


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**“КЕЛИШИЛГАН”**

**Ўзбекистон Респуубликаси  
Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Давлат хизматлари агентлиги  
директори**



  
\_\_\_\_\_ **Х.Турахужаев**

2020 йил “28” февраль

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристар малакасини ошириш  
маркази директори**



  
\_\_\_\_\_ **А. Рахматов**

2020 йил “  ” февраль

**“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Давлат хизматлари агентлиги ходимларининг  
малакасини ошириш”**

*ўқув курси бўйича*

**ЎҚУВ ДАСТУРИ**

(малака ошириш)

**ТОШКЕНТ**

*Ўқув дастури Юристлар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий Кенгашининг 2020 йил 25 февралдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган (2-сонли баённома).*

Ўқув дастури Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2020 йил “24” январдаги 05-1113-сон Қарори билан жорий этилган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари”га асосланиб тайёрланган.

**Тузувчилар:**

1. Юристлар малакасини ошириш маркази директори **А. Рахматов;**
2. Давлат ва жамият қурилиши кафедраси мудир, ю.ф.д., профессор **Х. Одилқориев;**
3. Ижтимоий фанлар, юридик этика ва психология кафедраси доценти, п.ф.н., доцент **Н. Соғинов;**
4. Фан, инновация ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи **Ш. Хасанов.**

**Такризчилар:**

1. Жиноят-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудир, ю.ф.н., доцент **Г. Алимов;**
2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Кадрлар бўлими бошлиғи **А. Ахмедов.**

## СЎЗ БОШИ

“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ходимларининг малакасини ошириш” ўқув курси бўйича Ўқув дастури Давлат хизматлари агентлиги туман (шаҳар) давлат хизмати марказлари ходимларининг малакасини оширишга мўлжалланган.

“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ходимларининг малакасини ошириш” ўқув курсининг **мақсади:** тингловчиларга давлат хизматлари агентлиги ходимининг касбий фаолияти бўйича қонунлардаги ислохотлар, янгиликлар ва истиқболлар ҳақида назарий билимлар бериш ҳамда касбий кўникмаларини янгилаш ва чуқурлаштириш.

**Ўқув курсининг долзарблиги.** “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ходимларининг малакасини ошириш” ўқув курси малака оширувчи тингловчиларнинг қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартиш ва кўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши; Давлат хизматлари агентлиги фаолиятининг асосий касбий йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларга, шунингдек соҳага оид психологик билимларга эга бўлишига замин яратади.

**Тингловчилар контингенти** – ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ходимларининг малакасини оширишга мўлжалланган.

**Дастлабки талаблар:** тингловчилар олий маълумотга эга бўлиши зарур.

**Ўқув курсининг ҳажми:** малакасини оширишнинг муддати камида 2 икки ҳафта (72 соат) этиб белгиланади ва ишдан ажралган ҳолда амалга оширилади.

**Ўқитиш шакли:** тўғридан-тўғри малака ошириш ёки масофавий таълим.

### ЎҚУВ ДАСТУРИНИ ЎЗЛАШТИРГАН ТИНГЛОВЧИГА БЕЛГИЛАНДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ:

#### **Умумий малака талаблари**

Конституция ва қонунларимизда белгиланган инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига риоя қилиш маҳорати;

ҳуқуқ нормаларини тўғри тушуниш, уни адолат принциплари асосида қўллай билиш маҳорати;

ҳуқуқий маданият савияси ва ҳуқуқий тарбия маҳорати кўникмаси;

юримдик фаолият жараёнида ишни адолатли ҳал қилиш, инсонийлик ва қонунийлик омилларини таъминлайдиган бошқа фазилат ҳамда шахсий сифатлар;

юримдик муаммоларни ҳолислик билан ҳал қилиш ва баҳолаш маҳорати.

#### **Касбий малака талаблари**

қабул қилинаётган соҳавий янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган охириги ўзгартириш ва кўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, давлат ва

жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлиши;

ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бартараф этиш шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлай олиш;

давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш, мазкур соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштира олиш;

давлат хизматлари кўрсатишда фойдаланиладиган ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини лойихалаштириш, тайёрлаш, жорий этиш ва интеграция қилишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқишда иштирок эта олиш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида, шу жумладан тегишли ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини жорий этиш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини назорат қила олиш ва самарадорлигини баҳолай олиш;

давлат хизматлари кўрсатишнинг инновацион шакллари ва услубларини жорий этишни ташкил қила олиши, мазкур соҳада қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

## ИЗОҲ ХАТИ

**Дастур мазмунининг янгилиги:** Ўқув дастури Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2020 йил “24” январдаги 05-1113-сон Қарори билан жорий этилган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказида юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари”га асосланиб тайёрланган.

Ўқув дастури “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги ПФ-5930-сон “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида белгиланган талаблар мажмуига мос келади.

**Дастурнинг концептуал ғояси:** тингловчи хизмат фаолиятида аҳолига қулай шарт-шароитлар яратишга тайёр бўлиши лозим.

**Ўқув дастури мазмунини белгилаш тамойиллари:** Аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

Қонунчиликдаги янгиликлар ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг долзарб масалалари Буюртмачи ташкилот билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган Ишчи ўқув дастури орқали ўқув жараёнига татбиқ қилинади.

**Ўқув курсининг умумий ва ўқув ишлари тури бўйича ҳажми:** ўқув курсини ўрганиш учун 72 соат ажратилган. Аудитория машғулоти: маъруза – 22 соат, семинар – 20 соат, амалий машғулотларга – 24 ва якуний синовлар учун 6 соат ажратилган.

**“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Давлат хизматлари агентлиги ходимларининг малакасини ошириш” ўқув курсидан  
МАВЗУЛАР РЕЖАСИ**

№	Модуль ва мавзулар номи	Машғулотларга ажратилган соатлар			
		Маъруза	Семинар	Амалий машғулот	Жами
<b>1-БЛОК. ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ</b>					
<i><b>1-Модуль. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари</b></i>					
1.	“2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили Давлат дастури” ижросини таъминлаш масалалари	2			2
2.	Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари	2			2
3.	Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январь “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳияти	2			2
4.	Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари	2			2
5.	Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими	2			2
<i><b>II-Модуль. Янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган янгиликлар, ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда халқаро-ҳуқуқий стандартлар</b></i>					
6.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4505-сон қарорининг мазмун ва моҳияти	2			2
7.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони мазмуни ва моҳияти	2			2
8.	Давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси	2	2		4
<i><b>III-Модуль. Давлат хизматларини кўрсатиш тизими, ушубу соҳада қўлланиладиган замонавий технологиялар, сифат ва шаффофликни таъминлашнинг мазмун-моҳияти</b></i>					
9.	Давлат хизматлари кўрсатишнинг тизими. Давлат хизматлари кўрсатишнинг тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари. Давлат хизматлари кўрсатишни тартибга солиш ва стандартлаштириш.	2	2		4
10.	Давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида қўлланиладиган		2		2

	замонавий технологиялар ва давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида идоралараро ҳамкорлик.				
11.	Давлат хизматларини кўрсатишда сифат ва шаффофликни таъминлаш.			2	2
12.	Давлат хизматлари марказларида коррупциоген ҳолатларининг келиб чиқишига қарши курашиш чора-тадбирлари	2			2
<b><i>IV-модуль. Давлат хизматлари агентлигида, ҳудудий бошқармаларда ва Давлат хизматлари марказларида иш юритишнинг ташкилий ҳуқуқий асослари</i></b>					
13.	Давлат хизматлари агентлигида иш юритишнинг тартиб-таомиллари ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ҳудудий бошқармаларида иш юритиш		2	6	8
14.	Давлат хизматлари марказларда жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматини кўрсатиш соҳасида иш юритишнинг ўзига хос хусусияти			2	2
<b><i>V-Модуль. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ва улар фаолиятини тугатишнинг замонавий тизими ва уни амалда қўллаш механизмлари</i></b>					
15.	Тадбиркорлик субъектларини автоматлаштирилган тизим орқали рўйхатдан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.	2			2
16.	Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг нодавлат-нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказишдан фарқли жиҳатлари		2		2
17.	Тадбиркорлик субъектларини мажбурий ва ихтиёрий тугатишнинг мазмун моҳияти ва давлат реестридан чиқариш тартиби		2		2
<b>2-БЛОК. ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ</b>					
<b><i>1-Модуль. Психология ва шахс ҳақидаги таълимотлар</i></b>					
18.	Психология ҳақида тушунча. Психиканинг тараққий этиши. Индивид, одам, шахс, индивидуаллик. Давлат хизматлари агентлиги ходимлари фаолиятида бу билимларнинг ўрни		2	2	4
19.	Давлат хизматлари агентлиги ходимлари шахснинг индивидуал-психологик, ижтимоий-психологик, этнопсихологик жиҳатлари ҳақидаги таълимотлардан фойдаланиш	2	2		4
20.	Давлат хизматлари агентлигининг туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказлари ходимлари фаолиятида шахснинг ҳиссий-иродавий ҳолатлари. Ўзаро идрок механизмлари			2	2
<b><i>2-Модуль. Шахслараро муносабат ва мулоқот психологияси</i></b>					
21.	Давлат хизматлари агентлиги ходимлари шахслараро муносабатлар ва мулоқот психологияси. Ўзаро идрок механизмлари		2		2
22.	Давлат хизматлари агентлиги ходимлари фаолиятида шахслараро муносабатларнинг ўзига хослиги. Шахслараро муносабат ва мулоқотда низоли вазиятлар			2	2
23.	Ирода ва ҳиссиёт. Ҳиссий зўриқишли ва низоли вазиятларда шахс хулқини бошқариш.			2	2

<b>3-Модуль. Давлат агентлиги хизматлари ходимлари фаолиятида психологик хизмат</b>					
24.	Давлат хизматлари агентлиги ходимлари фаолиятида ўзига-ўзи психологик хизмат қилиш. Шахсни ўрганишда психологик билимлардан фойдаланиш		2		2
25.	Психологик хизмат йўналишлари. Давлат хизматлари агентлиги ходимлари фаолиятида психологик ёрдам			2	2
26.	Давлат хизматлари агентлиги ходимлари фаолиятида психотренинг, аутотренинг машқларини ташкил қилиш			2	2
	Яқуний синов			6	6
	<b>Ж А М И:</b>	22	20	30	72

## **ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ МАЗМУНИ**

### **1. НАЗАРИЙ ҚИСМ**

#### ***1-модуль. Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиш соҳасини янада демократлаштириш жараёнлари***

**1-Мавзу. “2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили Давлат дастури” ижросини таъминлаш масалалари**

Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг яратилиши. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда аҳолига хизмат кўрсатиш марказлари ҳақида. Аҳолига хизмат кўрсатиш марказлари: кеча ва бугун. Давлат-фуқаро муносабатларида қулайлик яратиш ва шаффофликни таъминлаш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида янги концепция.

**2-Мавзу. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитида Конституция ва қонунлар ижросини таъминлаш механизмлари**

Мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий ислохотлар, давлатни модернизация қилиш. Маъмурий ислохотлар. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини ислоҳ қилиш ва уларнинг очиқлигини таъминлаш. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти. 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти. Ўзбекистон Республикасида адолатни қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва инсон манфаатларини рўёбга чиқаришга оид қарашлари ва ташаббусларининг ҳуқуқий асослари.

**3-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январь “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳияти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари. Давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим турлари юзасидан маъмурий регламент. Маъмурий регламент ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг қарори. Давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим турлари юзасидан ўрнатилган маъмурий регламентнинг мазмун-моҳияти. Давлат хизматларидан фойдаланаётган шахснинг ҳуқуқ-манфаатларининг бузилишининг олдини олиш.

#### **4-Мавзу. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари**

Фуқаролик жамиятининг мазмун ва моҳияти. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва фаолиятини йўлга қўйиш. Фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари ижтимоий шериклигини ривожлантириш йўллари.

#### **5-Мавзу. Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими**

Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг яратилиши. Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Давлат хизматлари йўналишида қабул қилинган қонунлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг моҳияти. Ўзбекистон Республикасида аҳолига хизмат кўрсатиш марказлари ва уларнинг вазифалари. Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари.

#### ***II-Модуль. Янги қонунлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган янгиликлар, ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда халқаро-ҳуқуқий стандартлар***

#### **6-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 ноябрдаги “Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4505-сон қарорининг мазмун ва моҳияти**

Қарорнинг мақсади. Давлат бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги амалга оширилиши лозимлиги. Ҳуқуқий мониторингнинг асосий вазифалари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлақонли ижро этиш давлат бошқаруви органларининг устувор вазифаси. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш самарадорлигини аниқлаш. Ҳуқуқий мониторинг ва ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режаси. Ҳуқуқий мониторинг бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ваколатлари ва вазифалари. Ҳуқуқий мониторинг бўйича Давлат бошқаруви органларининг вазифалари. Ҳуқуқий мониторинг натижалари тўғрисида ҳисобот. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга киритилган қўшимчалар.

#### **7-Мавзу. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармони мазмуни ва моҳияти**

Давлат фуқаролик хизмати. Давлат фуқаролик хизмати реестри, давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш. Давлат фуқаролик хизматининг устувор



йўналишлари, меритократия, меритократия механизмлари, меритократия тамойили мақсади. Карьера модели ва унинг турлари. “Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги”.

### **8-Мавзу. Давлат хизматлари кўрсатиш бўйича ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси**

Дунё мамлакатлари ва худудларида электрон ҳукумат яратилиши. Хорижий мамлакатларда фуқароларга хизмат кўрсатиш марказлари (CSC - Citizen Service Centers) фаолиятига таъсир этувчи асосий масалалар. Фуқароларга хизмат кўрсатиш марказлари, инсон ҳуқуқларига асосланган ҳолда уларни тахлилий-баҳолаш мезонлари. Ягона дарча хизмати – Грузия тажрибаси.

## **2. АМАЛИЙ ҚИСМ**

### *III-Модуль. Давлат хизматларини кўрсатиш тизими, ушубу соҳада қўлланиладиган замонавий технологиялар, сифат ва шаффофликни таъминлашнинг мазмун-моҳияти*

**9-Мавзу. Давлат хизматлари кўрсатишнинг тизими. Давлат хизматлари кўрсатишнинг тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари. Давлат хизматлари кўрсатишни тартибга солиш ва стандартлаштириш.**

Аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш миллий тизимининг тушунчаси. “Йўл-йўлакай” тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш. Инфокиоскларда давлат хизматини кўрсатиш. Ўз-ўзига хизмат кўрсатиш. Ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш. Давлат хизматларини кўрсатишни тартибга солиш ва стандартлаштиришда Маъмурий регламентлар.

**10-Мавзу. Давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида қўлланиладиган замонавий технологиялар. Электрон шаклда давлат хизматларини кўрсатиш. Давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида идоралараро ҳамкорлик.**

Ягона интерактив давлат хизматлари портали. Давлат хизматларини олишда мобиль илова. Электрон рақамли имзо. Электрон давлат хизматлари. Электрон ҳукумат. Интерактив инфокиосклар. Давлат хизматларини кўрсатишда ваколатли органларини ахборот тизими. Ахборот тизимларини интеграция қилиш. Давлат хизматларини кўрсатишда давлат хизматларини кўрсатувчи ваколатли идораларнинг ахборот маълумот базаларни рақамлаштириш.

**11-Мавзу. Давлат хизматларини кўрсатишда сифат ва шаффофликни таъминлаш. Давлат хизматлари кўрсатиш сифат ва шаффофлик мазмун-моҳиятини баҳолашда ёндашувлар. давлат хизматлари кўрсатиш сифатини мониторинг қилишни ташкиллаштириш.**

Давлат бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлар ходимлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари (KPI). Давлат хизматларини кўрсатишда сифат ва шаффофликни таъминлаш. Кўрсатилган хизматларнинг миқдори ва сифати. Хизмат кўрсатиш

таъминлаш. Кўрсатилган хизматларнинг миқдори ва сифати. Хизмат кўрсатиш тезлиги. Ходимнинг хушмуомалалиги ва малакалилиги. Мурожаатчиларнинг фикрлари.

**12-Мавзу. Давлат хизматлари марказларида коррупциоген ҳолатларининг келиб чиқишига қарши курашиш чора-тадбирлари.**

Коррупция тушунчаси. Коррупцияга қарши кураш. Ўзбекистон республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5729-сон Фармони. Коррупцияга қарши курашиш давлат дастури. Марказ ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти.

*IV-модуль. Давлат хизматлари агентлигида, ҳудудий бошқармаларда ва Давлат хизматлари марказларида иш юритишнинг таъшиқий ҳуқуқий асослари*

**13-Мавзу. Давлат хизматлари агентлигида иш юритишнинг тартиб-таомиллари ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ҳудудий бошқармаларида иш юритиш**

Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларида ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш. Ҳужжатларни қабул қилиш рўйхатдан ўтказиш ва тақсимлаш. Электрон ҳужжат алмашиш тизими (ЭҲА) билан ишлаш. Ҳужжатларни ижрога қаратиш ва уларга рақами бериш. Агентлик буйруқларини, фармойишларини ва умумий йигилиш қарорларини тайёрлаш расмийлаштириш ва жўнатиш. Ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш тарқатилиши чекланган мазмундаги махфий бўлмаган ҳужжатлар билан ишлаш. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш. Ижро этилган ҳужжатларни жўнатиш. Гербли муҳр ва хизматда фойдаланиш учун бериладиган штампларни ишлатиш, сақлаш ҳамда уларни йўқ қилиш. Ҳужжатларни йиғиш ва уларни архивга топшириш учун тайёрлаш.

**14-Мавзу. Давлат хизматлари марказларда жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматини кўрсатиш соҳасида иш юритишнинг ўзига хос хусусияти**

Давлат хизматлари марказларида иш юритишга Электрон ҳужжат алмашиш тизимини (ЭҲА) жорий қилиш. (ЭҲА) тизимини ишга тушириш. Қирим қилинадиган ҳужжатларни тизимга киритиш ва котибиятга юбориш. Карточкалар менюсида ишлаш. Котибият томонидан директорнинг дастлабки резолюциясини тайёрлаб, имзо учун киритиш. Директор томонидан ҳужжатни имзолаш. Ҳужжатларни директор ёки котибият томонидан қайтариш. Топшириқни ижрочиларга юбориш, ижро этиш. Электрон хат ва билдирги тайёрлаш. Ижро қилинган ҳужжатларни назоратдан олиш. Қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан махсус хабарларни тақдим этиш.

***V-Модуль. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ва улар фаолиятини тугатишнинг замонавий тизими ва уни амалда қўллаш механизмлари***

**15-Мавзу. Тадбиркорлик субъектларини автоматлаштирилган тизим орқали рўйхатдан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.**

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими (bo.birdarcha.uz). Юридик шахсларни давлат рўйхатига олиш. Якка тартибдаги тадбиркорни рўйхатга олиш. Юридик шахсни қайта давлат рўйхатидан ўтказиш.

**16-Мавзу. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг нодавлат-нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказишдан фарқли жиҳатлари**

Юридик шахс бирлашмалари. Юридик шахс бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш. Таълим муассасаларини давлат рўйхатидан ўтказиш. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг нодавлат-нотижорат ташкилотларини (ННТ) давлат рўйхатидан ўтказишдан фарқи. ННТлар тушунчаси.

**17-Мавзу. Тадбиркорлик субъектларини мажбурий ва ихтиёрий тугатишнинг мазмун моҳияти ва давлат реестридан чиқариш тартиби**

Молия-хўжалик фаолияти. Давлат хизматлари марказларида тадбиркорлик субъектларини мажбурий тугатиш. Тижорат ташкилотини ихтиёрий тугатиш. Тадбиркорлик субъекти — жисмоний шахс фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш. Ҳаракатсиз режим. Давлат реестридан чиқариш.

**2-БЛОК. ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ**

***1-Модуль. Психология ва шахс ҳақидаги таълимотлар***

**18-Мавзу. Психология ҳақида тушунча. Психиканинг тараққий этиши. Индивид, одам, шахс, индивидуаллик. Давлат хизматлари агентлиги ходимлари фаолиятида бу билимларнинг ўрни.**

Психология фани ҳақида тушунча. Индивид. Организм. Одам. Шахс. Шахс назариялари. Ходим шахсининг ғоявий-психологик асослари. Архетиплар. Миллий қадриятлар. Менталитет. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш.

**19-Мавзу. Давлат хизматлари агентлиги ходимлари шахсининг индивидуал-психологик, ижтимоий-психологик, этнопсихологик жиҳатлари ҳақидаги таълимотлардан фойдаланиш.**

Шахс. Шахсининг тузилиши. Шахс назариялари. Шахс типлари. Шахсининг индивидуал-психологик, ижтимоий-психологик, этнопсихологик хусусиятлари. Шахсининг биологик ва ижтимоий асосланган сифатлари. Ҳаётий тажриба. Касбий компетентлик.

**20-Мавзу. Давлат хизматлари агентлигининг туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказлари ходимлари фаолиятида шахснинг хиссий-иродавий ҳолатлари. Ўзаро идрок механизмлари.**

Шахснинг хиссий-иродавий ҳолатлари. Мотив. Мотивация. Ҳиссий иродавий ҳолатлар шакллари. Хиссиёт, эмоция, стресс, аффект, фрустрация. Шахс ҳислатларини аниқлаш. Шахс психодиагностикаси. Кадрни танлаш ва жой-жойига қўйиш. Шахснинг хиссий-иродавий ҳолатаридан самарали фойдаланиш.

### *2-Модуль. Шахслараро муносабат ва мулоқот психологияси*

**21-Мавзу. Давлат хизматлари агентлиги ходимлари шахслараро муносабатлар ва мулоқот психологияси. Ўзаро идрок механизмлари.**

Шахс ва шахслараро муносабатлар психологияси. Психологик алоқа ўрнатиш. Усуллари. Механизмлари. Шарт-шароитлари. Психологик тўсиқлар. Психологик ҳимоя механизмлари.

**22-Мавзу. Давлат хизматлари агентлиги ходимлари фаолиятида шахслараро муносабатларнинг ўзига хослиги. Шахслараро муносабат ва мулоқотда низоли вазиятлар.**

Шахслараро муносабатларнинг юзага келиши ва ривожланиши. Ўзаро идрок механизмлари. Шахслараро муносабат жиҳатлари, моҳияти, мазмуни. Шахслараро муносабат ва мулоқотда хатога йўл қўйиш эҳтимоллари. Низолар турлари.

**23-Мавзу. Ирода ва хиссиёт. Ҳиссий зўриқишли ва низоли вазиятларда шахс ҳулқини бошқариш.**

Мотив. Мотивация. Мотивлар кураши. Иродавий зўр бериш. Шахснинг хиссий зўриқишли ҳолатлари. Шахс томонидан воқеликнинг субъектив акс эттирилиши. Стресс ҳолатлари ва уларни бошқариш. Психодиагностик методикалар. Тренинг машқларини бажариш.

### *3-Модуль. Давлат агентлиги хизматлари ходимлари фаолиятида психологик хизмат*

**24-Мавзу. Давлат хизматлари агентлиги ходимлари фаолиятида психологик хизматни ташкил қилиш. Шахсни ўрганиш ва кадрларни жой-жойига қўйишда психологик билимлардан фойдаланиш.**

Давлат хизмати агентлиги идораларида психологик хизматни ташкил қилиш. Психологик хизмат йўналишлари. Психодиагностика. Прихокоррекция. Психопрофилактика. Психоконсултация. Психологик маърифат. Ходим шахсини ўрганиш ва унинг индивидуал-психологик хусусиятларидан самарали фойдаланиш. Психологик хизмат йўналишлари бўйича амалий машғулотлар.

**25-Мавзу. Психологик хизмат йўналишлари. Давлат хизматлари агентлиги ходимлари фаолиятида психологик хизмат.**

Давлат хизмати агентлиги идораларида психологик хизматни ташкил қилиш. Психологик хизмат йўналишлари. Психодиагностика. Прихокоррекция. Психопрофилактика. Психоконсултация. Психологик маърифат.

## **26-Мавзу. Давлат хизматлари агентлиги ходимлари фаолиятида психотренинг, аутотренинг машқларини ташкил қилиш**

Давлат хизматлари агентлиги идораларида ва ходимлар фаолиятида психологик енгиллаштириш машқлари. Психологик енгиллаштириш хоналарини ташкил қилиш. Иш ўрнида психологик енгиллаштиришни ташкил қилиш. Кадрларнинг аутотренинг машқлари.

### **Ўқув дастурини ўзлаштириш бўйича методик тавсиялар**

Ўқув дастури малака ошириш курси бўйича маъруза, семинар, амалий машғулотлар ва ҳ.к. ўтилишини назарда тутди. Барча турдаги машғулотлар тренинг шаклида аўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Маърузаларда кўриб чиқиладиган саволларнинг асосий илмий-назарий қоидалари ва уларнинг Давлат хизматлари агентлиги фаолиятидаги амалий аҳамияти очиқ берилди ва мазкур ўқув курси бўйича мавзуй режада назарда тутилган тегишли мавзуларни ўрганиш бўйича тавсиялар берилди.

Семинарлар давомида тингловчилар ўқув курсининг асосий қоидалари ҳақидаги назарий билимларга ва Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини амалга ошириш бўйича кўникмаларига эга бўлишлари керак. Барча мавзулар бўйича семинар машғулотлари – тренинг шаклида ташкил этилади.

Амалий машғулотлар давомида тингловчилар Давлат хизматлари агентлиги фаолиятининг асосий касбий йўналишларига оид тегишли ҳаракатларни бажар олиш кўникмаларига эга бўлишлари лозим ва улар бўйича фикр юритиш мақсадида (*Давлат хизматлари агентлигида иш юритишнинг тартиб-таомиллари ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ҳудудий бошқармаларида иш юритиш*) амалий топшириқларни бажарадилар. Амалий топшириқларини бажаришда тингловчилар тегишли амалдаги қонун нормаларига, амалий тажрибаси ва ўқув курси давомида олган билимларга таяниб, уларни асослаб бажаришлари керак.

Ўқув курсини ўзлаштиришда тингловчилар Марказ Ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда мавжуд материаллар: дарслик, монография, ўқув қўлланма, илмий мақолалар, фонд маърузалари ва бошқа материаллардан фойдаланишлари мумкин.

Тасдиқланган навбатчилик жадвалига мувофиқ кафедралар профессор-ўқитувчилари тингловчиларга маслаҳатлар бериб борадилар.

Ўқув дастурида тингловчиларнинг дастурни ўзлаштириш даражасини баҳолаш мақсадида якуний синов назарда тутилган.

**Ўқув дастурини ўзлаштириш ва таълим жараёнларини таъминлашга мўлжалланган ўқув ва ўқув-методик материаллар.**

*Ўқув материаллари:*

маъруза фондлари (шу жумладан, электрон шаклдаги) ва ўқув курси бўйича ўқув қўлланма, тарқатма материаллар;

мультимедиа материаллари (слайдлар, презентациялар ва ҳ.к.).

*Ўқув-методик материаллар:*

тест (ёки назорат саволлари) ёхуд масофавий топшириқлар;

амалий топшириқлар (масалалар ёки казус ва ҳ.к.).  
Ўқув дастурини амалга ошириш учун зарур техник таъминоти:  
шахсий компьютер – ўқитувчининг автоматлаштирилган иш жойи;  
“ppt (pptx)”, “doc (docx)”, “xlsx”, “mp3” ва бошқа ҳ.к. форматдаги файллар  
билан ишлаш учун дастурий таъминотлар;  
мультимедиа қурилмаси, экран ёки смарт-телевизор.

## АТТЕСТАЦИЯ ШАКЛИ

Сухбат шаклидаги якуний синов.

## БАҲОЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ

“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ходимларининг малакасини ошириш” ўқув курсидан сухбат шаклидаги якуний синовларни (синов ва сухбат қабул қилиш) ўтказиш методикаси ва уларни қабул қилиш учун топшириқ ва саволларни назарда тутувчи, тингловчиларда жавоб варақалари мавжуд бўлиши белгилаб қўйилган методик материаллар.

## АХБОРОТ ВА МЕТОДИК ТАЪМИНОТ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

*Шавкат Мирзиёев.* Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 692 б.

*Шавкат Мирзиёев.* Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – 508 б.

*Шавкат Мирзиёев.* Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 400 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 24 янв.

### Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5278-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2752-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ПҚ-2752-сон Қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 5-сон, 62-м.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон Фармони // 8 сентябрь 2017 йил.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида”ги ПФ-5037-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрель “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3666-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги ПҚ-3662-сон “Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 13 апрелдаги ПФ-5415-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4079-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4079-сон қарорига 1-илоvasи билан тасдиқлаган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низом.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 февралдаги ПҚ-4193-сон “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги ПФ-5930-сон “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2016 йил 28

октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 сентябрь “Нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан “ягона дарча” тамойили бўйича битимларни тасдиқлашда давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 733-сон қарори.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 январдаги 70-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сон “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳамда Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 2013 йил 11 декабрда 21-сонли қарори// Lex.uz// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 31 майдаги 150-ум-сон “Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. – Т., 2019.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси. Расмий нашр – Т.: «Адолат», 2018.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси. Расмий нашр – Т.: «Адолат», 2018.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрь “Электрон ҳуқуқ тўғрисида”ги қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июль “Медиация тўғрисида”ги қонуни.

Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Тошкент: Адолат, 2016.



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини белгилаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 29 июлдаги 233-ум-буйруғи.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Агентлик директори томонидан 2019 йил 29 октябрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар дастури.

#### **Асосий адабиётлар:**

Одилқориев Х.Т; Тошев Б.Н. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий ислохотларнинг асосий жиҳатлари/Ўқув қўлланма. –Т., 2019.

Одилқориев Х.Т. Конституция ва баркамол жамият орзуси. Т; 2012.

Одилқориев Х.Т. Давлат ҳокимияти: моҳияти, функцияси ва замонавий талқини. - Т, 2015.

Маматов Х.Т. Ўзбекистонда ҳуқуқий маданият ва фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари. Т; 2011.

Алимов Ғ.А. Мансабдор шахсларнинг қонунлар ижроси устидан жавобгарликни кучайтиришнинг долзарб масалалари. Хорижий ва миллий тажриба: Монография. – Т., 2017.

Алимов Ғ.А. Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги мамлакатларида коррупцион қилмишлар учун юридик шахслар жавобгарлигининг айрим хусусиятлари/Юрист ахборотномаси: Илмий-амалий журнал. – Тошкент, 2018, № 4. – С.58-61.

Алимов Ғ.А. Хорижий мамлакатлар тажрибасида юридик шахсларнинг коррупцион қилмишлари учун жавобгарлигининг айрим жиҳатлари/Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси илмий-амалий конференция тўплами. – Тошкент, 2018.

Мўминов А., Тиллабоев М. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов - Т.: Адолат, 2013.

Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон давлати ва инновацион ривожланишнинг ҳуқуқий жиҳатлари. Ўқув қўлланма. – Т., 2019. – 362 б.

Пулатов Ю.С., Алимов Ғ.А. Квалификация и предупреждение коррупционных преступлений: Монография. – Т., 2016.

Соғинов Н.А. Юқори лавозимларга тайинланиш захирасини танлаб олиш ва тайёрлашнинг психологик жиҳатлари. Ўқув услубий қўлланма. –Тошкент, 2010.

Халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро шартномлар тўплами. О.Сулайманов, - Т.: ЮМОМ. 2017.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими. /Муаллифлар жамоаси: А.Саидов, Ф.Бакаева, К.Арсланова ва бошқ. Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: “O’zbekiston”, 2010. - 368 б.

Ғафуров А.Б., Мўминов А.Р., Тиллабаев М.А. Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма. –Т.: Baktria Press, 2012. - 296 б.

Язданов У.Т. Ўзбекистонда жамотчилик фикрини ривожлантириш масалалари. – Т; “Нишон нашр”, 2015.

## **Интернет сайтлари**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси:  
<http://lex.uz>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайти:  
[www.parliament.gov.uz](http://www.parliament.gov.uz)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сайти: [www.senate.gov.uz](http://www.senate.gov.uz)

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди сайти [www.ksu.uz](http://www.ksu.uz)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди сайти: [www.supcourt.uz](http://www.supcourt.uz)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти: [www.minjust.uz](http://www.minjust.uz)

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги сайти: [www.mvd.uz](http://www.mvd.uz)

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси сайти: [genprok.gov.uz](http://genprok.gov.uz)

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти сайти: [www.imal.uz](http://www.imal.uz).

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази сайти:  
[www.nhrc.uz](http://www.nhrc.uz).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) сайти: [www.ombudsman.uz](http://www.ombudsman.uz)

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий Университети сайти: <http://www.nuu.uz>

Тошкент Давлат Юридик Университети сайти: <http://www.tsul.uz>.

## **ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ**

Ахборот-ресурс маркази ва кафедраларда босма ҳамда электрон шаклда сақланади.

**“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат  
хизматлари агентлиги ходимларининг малакасини ошириш”  
ўқув курси бўйича**

**ЎҚУВ ДАСТУРИ**

**Мухаррир: Ҳ. Мўминов**

**Босишга руҳсат этилди. 2020 йил “                   ” февраль**  
**Бичими           . Буюртма №           .**  
**ЮМОМда чоп этилди. Адади            нусха.**

---

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристарни малакасини ошириш маркази нашриёти,  
100052, Тошкент шаҳри, Катта Дарҳон кўчаси, 6